



ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИНГАН ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ТАКРОРАН ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛИШИНING ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ҲАҚИЛА АЙРИМ ҚАРАШЛАР

Юсупов Ойбек Луқмон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21870357>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 06-avgust 2026 yil

Ma'qullandi: 08-avgust 2026 yil

Nashr qilindi: 10-avgust 2026 yil

KEYWORDS

Мазкур нормалардан англаш мумкинки, жазодан озод қилинган шахслар деганда нафақат жазони тўлиқ ўтаб бўлган, балки қонунда белгиланган асосларга кўра жазони тўлиқ ёки қисман ўташдан ёхуд унинг ижро этилишидан озод қилинган шахслар ҳам тушунилади.

ABSTRACT

Жазодан озод қилинган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилиши жиноятчилик профилактикасининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Мазкур ҳодисанинг моҳиятини тўғри англаш “жазодан озод қилинган шахс”, “такроран жиноят содир этиш” ва “рецидив” тушунчаларининг ҳуқуқий ҳамда криминалогик мазмунини ўзаро фарқлашни талаб этади. Шу боис мақолада ушбу тушунчаларнинг назарий-ҳуқуқий мазмуни таҳлил қилиниб, жазодан озод қилинган шахснинг қайта жиноий хулқ-атворга қайтишини профилактика нуқтаи назаридан баҳолаш масалалари ёритилади.

Жазодан озод қилинган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилиши жиноятчилик профилактикасининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Мазкур ҳодисанинг моҳиятини тўғри англаш “жазодан озод қилинган шахс”, “такроран жиноят содир этиш” ва “рецидив” тушунчаларининг ҳуқуқий ҳамда криминалогик мазмунини ўзаро фарқлашни талаб этади. Шу боис мақолада ушбу тушунчаларнинг назарий-ҳуқуқий мазмуни таҳлил қилиниб, жазодан озод қилинган шахснинг қайта жиноий хулқ-атворга қайтишини профилактика нуқтаи назаридан баҳолаш масалалари ёритилади.

Жазодан озод қилинган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилиши тушунчасининг мазмун-моҳиятини очиб бериш учун, аввало, “жазодан озод қилинган шахс” тушунчасининг ҳуқуқий мазмунига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки мазкур тоифага кирувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, уларга нисбатан қўлланилган жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари ҳамда уларнинг кейинги ҳуқуқий ҳолати такроран жиноят содир этиш ҳодисасини тўғри баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

Амалдаги миллий қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, “жазодан озод қилинган шахс” тушунчаси бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 163-моддасига мувофиқ, маҳкум суд тайинлаган жазо муддати тугамасдан

туриб ҳам жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинганда, жазо енгилроғи билан алмаштирилганда, касаллиги ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги муносабати билан, шунингдек амнистия акти ёки афв этиш асосида жазони ўташдан озод қилиниши мумкин¹. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XIII бобида жазодан озод қилишнинг мустақил турлари белгиланиб, унда жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги, шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги, айбдорнинг қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги, шартли ҳукм қилиш, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш, касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш ҳамда амнистия ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш институтлари назарда тутилган².

Мазкур нормалардан англаш мумкинки, жазодан озод қилинган шахслар деганда нафақат жазони тўлиқ ўтаб бўлган, балки қонунда белгиланган асосларга кўра жазони тўлиқ ёки қисман ўташдан ёхуд унинг ижро этилишидан озод қилинган шахслар ҳам тушунилади. Уларни бирлаштирувчи умумий ҳуқуқий белги — жиноят содир этганлик учун жиноят-ҳуқуқий таъсирга дучор бўлганлиги ва кейинчалик унинг ижроси қонуний асосда тугалланган ёки тўхтатилганлигидир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нуқтаи назаридан ушбу шахслар аввал жиноят содир этганлиги сабабли такроран жиноят содир этиш хавфи мавжуд бўлган махсус профилактика объекти сифатида аҳамият касб этади. Шу боис тадқиқотда “жазодан озод қилинган шахслар” атамаси жазодан озод қилишнинг барча ҳуқуқий асосларини қамраб олувчи умумлаштирувчи категория сифатида қўлланилади.

Мазкур тоифага аниқлик киритилгач, улар томонидан такроран жиноят содир этилиши тушунчасининг ҳуқуқий ва криминологик мазмунини очиб бериш зарур. Зеро, ушбу тушунча жиноят қонунчилигидаги “такроран жиноят содир этиш” институти билан айнан бир хил бўлмай, профилактика нуқтаи назаридан мустақил мазмун касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 32-моддасига мувофиқ, шахс турли вақтларда икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этган бўлса-да, уларнинг бирортаси учун ҳам судланмаган тақдирдагина жиноят такроран содир этилган деб топилади³. Демак, мазкур норма жиноятларни квалификация қилишга хизмат қилувчи жиноят-ҳуқуқий институт бўлиб, унинг татбиқ этилиши қонун билан белгиланган аниқ юридик шартлар, хусусан, аввалги жиноят учун судланганликнинг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ.

Бироқ биз томонимиздан олиб борилаётган тадқиқотнинг объекти ва предмети Жиноят кодексининг 32-моддасида назарда тутилган ҳуқуқий институт эмас. Аксинча, тадқиқотда аввал жиноят содир этганлиги учун судланган, жазони ўтаган ёки қонунчиликда белгиланган асосларга кўра жазодан озод қилинган шахснинг кейинчалик яна жиноят содир этиши билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий жараён таҳлил қилинади. Шу нуқтаи назардан мазкур диссертацияда “жазодан озод қилинган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилиши” атамаси жиноятнинг ҳуқуқий квалификациясини эмас, балки шахснинг давлат томонидан қўлланилган жиноят-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. URL: <https://lex.uz>.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. URL: <https://lex.uz>.

³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. URL: <https://lex.uz>.

ҳуқуқий таъсир чораларидан кейин ҳам қайтадан жиноий фаолиятга қайтишини ифодаловчи криминологик ҳодисани англатади.

Криминология фанида такроран жиноят содир этиш ва рецидив жиноятчилик ўзаро узвий боғлиқ, бироқ мустақил тушунчалар сифатида қаралади. Бу борада Қ.Р. Абдурасулованинг таъкидлашича, рецидив ва такрорийлик бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, уларнинг ҳуқуқий мазмуни турличадир. Хусусан, шахснинг аввал содир этган жинояти учун судланганлиги такрорийликка сифат жиҳатидан янги мазмун бахш этиб, рецидив жиноят тушунчасини вужудга келтиради. Олимнинг фикрича, рецидивнинг ижтимоий хавфлилиги фақат шахснинг бир неча марта жиноят содир этганлиги билан эмас, балки унинг аввалги жиноятига нисбатан давлат ва суд томонидан берилган ҳуқуқий баҳога қарамасдан яна жиноят йўлига қайтганлиги билан изоҳланади⁴. Шу боис рецидив жиноятчилик жиноий жавобгарликни индивидуаллаштириш, жазони табақалаштириш ҳамда маҳкумларни қайта тарбиялаш чораларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

И.И. Карпец ушбу тафовутлар муайян даражада объектив хусусиятга эга эканлигини таъкидлаб, бунинг асосий сабаби “рецидив” тушунчасининг турли ҳуқуқий ва ижтимоий фанлар томонидан турлича мақсадларда қўлланилиши билан изоҳланишини қайд этади. Унинг фикрича, жиноят ҳуқуқида рецидив жиноий жавобгарликни белгилаш ва дифференциация қилишга хизмат қилувчи ҳуқуқий институт сифатида намоён бўлса, криминологияда у шахснинг жиноий хулқ-атвори барқарорлашганлигини ва қайта жиноят содир этишга мойиллигини ифодаловчи ижтимоий ҳодиса сифатида баҳоланади. Жиноят-ижроия ҳуқуқида эса рецидив маҳкумларни таснифлаш, уларга нисбатан жазони ижро этиш тартибини белгилаш ҳамда тарбиявий-профилактик чораларни индивидуаллаштиришда муҳим аҳамият касб этади⁵.

Шу муносабат билан олим рецидивнинг ҳуқуқий (легал), криминологик ва пенитенциар турларини ўзаро фарқлаш зарурлигини асослайди. Бундай тасниф рецидив ҳодисасининг ҳар бир соҳада турлича вазифа бажаришини, унинг ҳуқуқий мазмуни, криминологик моҳияти ва профилактик аҳамиятини комплекс баҳолаш имконини беради.

Бизнинг фикримизча ҳам, И.И. Карпец томонидан илгари сурилган мазкур ёндашув мазкур тадқиқот учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки диссертацияда рецидив жиноятчилик жиноят-ҳуқуқий квалификация институти сифатида эмас, балки жазодан озод қилинган шахсларнинг қайта жиноят содир этишига олиб келувчи омиллар ва уларнинг профилактикаси нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Шу муносабат билан мазкур тадқиқотда такроран жиноят содир этиш ва рецидив тушунчалари Жиноят кодексининг 32 ва 34-моддаларида назарда тутилган жиноят-ҳуқуқий институтлар доирасида эмас, балки криминологик ва пенитенциар ёндашув асосида талқин қилинади. Чунки тадқиқотнинг мақсади жиноятларни ҳуқуқий квалификация қилиш

⁴ Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. Масъул муҳар-рир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – Б.122.

⁵ Карпец И.И. Проблема преступности. – М., 1969. – 113-115-б.; Кузнецова Н.Ф. Преступление и пре-ступность. – М., 1969. – 179-б.; Рецидивная преступность: поня-тие и криминологическая характери-стика / Ниедре А.М. и др. – Рига, 1983. – 10-11-бетлар.

эмас, балки жазодан озод қилинган шахсларнинг қайта жиноят содир этишига олиб келувчи омиллар ҳамда уларнинг профилактикасини комплекс таҳлил қилишдан иборат.

Шу билан бирга, мазкур тадқиқотда “такроран жиноят содир этиш” ва “рецидив” тушунчалари жиноят қонунчилигидаги ҳуқуқий институтлар доираси билан чекланмайди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нуқтаи назаридан жазодан озод қилинган шахс томонидан содир этилган ҳар қандай янги жиноят, унинг оғирлик даражаси, тури, айб шакли ва квалификациясидан қатъи назар, шахснинг қайта жиноий хулқ-атворга қайтганлигини ифодалайди. Шу боис тадқиқотда “такроран жиноят содир этиш” жазодан озод қилинган шахснинг қонунга итоаткор хулқ-атворни барқарор шакллантира олмай, қайта жиноят содир этиши билан тавсифланувчи кенг қамровли криминологик категория сифатида талқин этилади.

Бунда аввалги ва кейинги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ёки қасддан ёхуд эҳтиётсизлик орқасида содир этилганлиги ушбу ҳодисанинг криминологик моҳиятини ўзгартирмайди. Зеро, ҳар қандай ҳолатда ҳам шахс унга нисбатан қўлланилган жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларидан сўнг яна жиноят содир этган бўлади.

Буни Жиноят кодексининг 266-моддасида назарда тутилган жиноят мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур қилмиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилса-да, шахснинг ҳуқуқий талабларга риоя этмаслиги оқибатида юз бериши унинг қонунга итоаткор хулқ-атвори тўлиқ шаклланмаганлигини кўрсатиши мумкин. Шу жиҳатдан, айб шакли такроран жиноят содир этилишининг профилактик аҳамиятини истисно этмайди.

Шу нуқтаи назардан, жазодан озод қилинган шахслар томонидан такроран жиноят содир этишнинг криминологик хусусиятларини тадқиқ этиш нафақат мазкур ҳодисанинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, балки рецидив хавфини баҳолаш, шахснинг қайта ижтимоийлашув даражасини ўрганиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий ва самарали механизмларини ишлаб чиқишда муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Бу борада И. Исмаиловнинг таъкидлашича, ҳар бир жиноят муайян шахс томонидан содир этилганлиги сабабли унда шахснинг руҳий, ижтимоий ва бошқа индивидуал хусусиятлари намоён бўлади. Шу билан бирга, жиноятнинг такроран содир этилиши шахсда ғайриижтимоий мойиллик, криминоген кўникма ва хулқ-атворнинг барқарорлашганлигидан далолат беради. Олимнинг фикрича, рецидивистлар ягона тоифани ташкил этмайди, аксинча, уларнинг ҳар бири шахсий хусусиятлари, жиноий тажрибаси ва ижтимоий муҳитига кўра бир-биридан фарқ қилади⁶. Шу боис рецидив жиноятчилик профилактикасида ҳар бир шахснинг индивидуал криминологик хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ю.М. Антонян рецидив жиноятчилиқни шахснинг криминоген деформацияси сақланиб қолиши ва жиноий турмуш тарзига қайта мослашиши билан изоҳлайди⁷.

⁶ Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И. Исмаилов, Қ. Р. Абдурасулова, И. Ю. Фазилов; масъул муҳаррир Ш. Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 272 б.

⁷ Антонян, Ю.М. Криминология : учебник для вузов / Ю. М. Антонян. – 3-е изд., перераб. и доп. – Москва : Издательство Юрайт, 2025. – С 221.

А.И. Долгова эса рецидив жинойтчиликни жинойтчиликнинг энг барқарор ва қайта тикланувчи кўриниши сифатида баҳолаб, унинг келиб чиқишида ижтимоий муҳит, шахсий хусусиятлар ва профилактика механизмларининг самарадорлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этишини таъкидлайди⁸.

Т.В. Филоненко ҳам рецидив жинойтчиликни шахсда шаклланган барқарор криминоген йўналишнинг ҳуқуқий ифодаси сифатида баҳолайди. Олимнинг таъкидлашича, бундай шахсларга нисбатан жинойт-ҳуқуқий таъсир чораларини дифференциация қилиш ва индивидуаллаштириш нафақат адолатли жазо тайинлаш, балки такроран жинойт содир этилишининг олдини олиш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади⁹. Бу эса рецидив жинойтчиликнинг ҳуқуқий оқибатлари билан бир қаторда унинг профилактик аҳамиятини ҳам намоён этади.

А.П. Детков ва А.А. Дорожинскийнинг таъкидлашича, жазодан озод қилинган шахслар томонидан такроран содир этиладиган жинойтларни ўрганишда асосий эътибор жинойт-ҳуқуқий рецидивни аниқлашга эмас, балки шахснинг нима сабабдан қайта жинойт йўлига кирганлиги, унга илгари қўлланилган жинойт-ҳуқуқий таъсир чоралари нега кутилган натижани бермаганлиги ҳамда унинг жинойт хулқ-атворига таъсир этувчи криминоген омилларни аниқлашга қаратилиши лозим. Олимлар ушбу ҳодисани ҳуқуқий эмас, балки кенг қамровли криминологик ҳодиса сифатида баҳолайдилар¹⁰.

Мазкур ёндашув Б.Т. Аслановнинг тадқиқотида келтирилган криминологик қарашлар билан ҳам уйғунлашади¹¹. Хусусан, В.Л. Васильев ғайриижтимоий хулқ-атворнинг манбаи шахснинг қадриятлари, ижтимоий қарашлари ва онг мазмуни билан белгиланишини таъкидласа¹², Р.Х. Душанов жинойт содир этишга мойиллик шахсда ғараз, жаҳл, кек сақлаш, рашк ва бошқа салбий психологик хусусиятларнинг шаклланиши билан боғлиқлигини қайд этади¹³. Шунингдек, Х.Э. Ахмедов маъмурий назорат остидаги, илгари судланган шахсларда жинойт содир этишга мойиллик даражаси юқорироқ бўлишини таъкидлайди¹⁴. М.З. Мукумова эса бир неча бор жинойт содир этган шахсларда ижтимоий хавфлиликнинг ортиши, жинойтчиға хос хусусиятларнинг мустаҳкамланиши ва бошқаларга салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли кучайишини қайд этади¹⁵. Ушбу илмий қарашлар жазодан озод қилинган шахс томонидан такроран жинойт содир этилишини фақат ҳуқуқий ҳолат эмас, балки

⁸ Долгова А.И. (отв. ред.). Криминология: учебник для вузов. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Норма, 2005. – С 584.

⁹ Филоненко Т.В. О понятии постпенитенциарного рецидива // Право и государство: теория и практика. 2023. №6 (222). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/o-ponyatii-postpenitentsiarnogo-retsitiva> (мур. вақти: 26.11.2025).

¹⁰ Детков А.П., Дорожинский А.А. Криминологическая характеристика повторных преступлений, совершаемых осужденными к наказанию, не связанным с изоляцией от общества // Вестн. Том. гос. ун-та. Право. 2023. №49. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kriminologicheskaya-harakteristika-povtornyh-prestupleniy-sovershaemyh-osuzhdennymi-k-nakazaniyam-ne-svyazannyh-s-izolyatsiey-ot> (мур. вақти: 27.11.2025).

¹¹ Aslanov B.T. Huquqbuzarlik sodir etishga moyil shaxslarning tushunchasi va toifalari // Oriental Renaissance: Innovative, Educational, Natural and Social Sciences. – 2023. – Vol. 3, No. 10. – October. – B. 289–301.

¹² Васильев В.Л. Юридическая психология. – М., 1999. – С. 222–224.

¹³ Душанов Р.Х. Жинойтчи шахс психологияси: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2011. 12-26 б.

¹⁴ Ахмедов Х.Э. Маъмурий назорат остидаги шахсларга оид профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш: PhD диссертацияси. – Тошкент, 2021. – Б. 65.

¹⁵ Мукумова М.З. Бин неча жинойт содир этганлик учун жазо тайинлаш хусусиятлари: Юрид. фан. номз. дисс. ... автореф. – Т., 2005. – Б. 24.

шахснинг барқарорлашиб борган криминоген хусусиятлари, ижтимоий муҳити ва қайта ижтимоийлашув жараёни билан боғлиқ комплекс криминологик ҳодиса сифатида баҳолаш зарурлигини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, жазодан озод қилинган шахс томонидан такроран жиноят содир этилиши унинг аввалги жиноий тажрибаси, ижтимоий муҳити, психологик ҳолати, ижтимоий мослашув даражаси ҳамда криминоген эҳтиёжларининг ўзаро таъсири натижасида шаклланадиган мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса ҳисобланади. Демак, мазкур тоифадаги шахсларнинг криминологик хусусиятларини аниқлаш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини индивидуаллаштириш, рецидив хавфини баҳолаш ҳамда таъсирчан профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишнинг муҳим назарий ва амалий асосларидан бири ҳисобланади.

1. Жазодан озод қилинган шахс томонидан такроран жиноят содир этилиши фақат жиноят-ҳуқуқий рецидив доирасида эмас, балки шахснинг жиноят-ҳуқуқий таъсирдан кейин қайта жиноий хулқ-атворга қайтишини ифодаловчи комплекс криминологик ҳодиса сифатида баҳоланиши лозим. Бундай ёндашув мазкур шахсларнинг индивидуал криминологик хусусиятларини аниқлаш, такроран жиноят содир этиш хавфини баҳолаш ва уларга нисбатан манзилли профилактика чораларини белгилаш имконини беради.

INNOVATIVE
ACADEMY